XALQ DEPUTATLARI QO‘SHTEPA TUMAN KENGASHINING

QARORI

2021 - yil 14 - iyul VI-42-2-11-157-K/21 Qo‘shtepa tuman hokimligi

Халқ Депутатлари Қўштепа тумани Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6075-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан Халқ депутатлари Қўштепа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябр кунги ПФ-6075-сон Фармонига асосан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий хужжатларини, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган хужжатларни бекор қилиш бўйича ташаббус кўрсатган ҳолда, тизимлаштириш уларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни базага автоматик тарзда жойлаштириш механизмини жорий этиш ишларини туманда амалга оширилиши таъминлансин.

2. Халқ депутатлари Қўштепа тумани Кенгашининг норматив тусдаги 2017 йил 31 декабрдаги “Қўштепа тумани маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий кўрсаткичлари ҳақида”ги 129/43-5-сон Қарори, 2018 йил 28 декабрдаги “Қўштепа тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий

кўрсаткичлари ҳақида”ги 214/57-5-сон Қарори ҳамда 2019 йил 17 декабрдаги “Қўштепа туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 298/72-5-сон Қарорлари эскирган ва ўз ахамиятини йўқотган деб хисоблансин.

3. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати (Ё.Қосимова)га мазкур қарорни ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Қўштепа тумани Кенгаши котибяти мудири (А.Қодиров) зиммасига юклатилсин.

5. Қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **И.В. Новиков**